

Нурислом ТУХЛИЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат
туризми кафедраси профессори, иқтисодиёт
фанлари доктори,
e-mail: tukhliev.nurislom@gmail.com

Илёсбек ГУЛМУРАТОВ,
мустақил тадқиқотчи

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ИМКОНияТЛАРИ

ВНУТРЕННИЕ И ВНЕШНИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ДЛЯ РАЗВИТИЯ ПАЛОМНИЧЕСКОГО ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

INTERNAL AND EXTERNAL OPPORTUNITIES FOR THE DEVELOPMENT OF PILGRIMAGE TOURISM IN UZBEKISTAN

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантиришнинг ички (миллий) ва ташқи (ҳалқаро) шарт-шароит ҳамда имкониятлари, аҳамияти, жаҳон туризмида тутган ўрни, шунингдек ўзига хос хусусиятлари мухтасар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар. Туризм, зиёрат туризми, мадраса, масжид, туризм индустрияси, зиёрат туризми инфратузилмаси, “Ҳалол” стандарти, Бухоро декларацияси, ЮНЕСКО, Буюк ипак йўли.

Аннотация. В статье кратко рассматриваются внутренние (национальные) и внешние (международные) условия и возможности, значение и роль в мировом туризме, а также его особенности развития паломнического туризма в Узбекистане.

Ключевые слова. Туризм, паломнический туризм, медресе, мечеть, индустрия туризма, инфраструктура паломнического туризма, стандарт «Халаль», Бухарская декларация, ЮНЕСКО, Великий шелковый путь.

Annotation. This article briefly discusses the internal (national) and external (international) conditions and opportunities, the importance of the

role of tourism in the world, as well as its particular development of pilgrimage tourism in Uzbekistan.

Keywords. Tourism, pilgrimage tourism, madrasa, mosque, tourism industry, pilgrimage tourism infrastructure, “Halal” standard, Bukhara Declaration, UNESCO, Great Silk Road.

Зиёрат сайёҳлиги Ўзбекистонда фаол ривожланаётган йўналишдир. Мамлакатимизда кўплаб диний ёдгорликлар ва муқаддас қадамжолар жойлашган. Global Muslim Travel Index (GMTI) нинг 2019 йил рейтингига кўра, Ўзбекистон Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ) мамлакатлари орасида энг жозибали ўн мамлакатлар қаторига киради [7].

Тошкент шаҳри 2200 йилдан ортиқ тарихга эга бўлиб, шаҳар ўзининг қулай жўғрофий жойлашуви сабабли қадимда Буюк Ипак йўлининг асосий бўғинларидан бири бўлиб келган. Унинг меъморчилиги ўрта асрлар қурилмалари замонавий бизнес-марказлари билан уйғунлашиб кетган. Тошкентда ўрта асрлар ёдгорликлари қаторида замонавий масжидлар ҳам кўзга ташланади. Бундан ташқари шарқона бозорларда бўлиб, ўнлаб музейларда маҳаллий аҳолининг кўп асрлик тарихи ва маданияти билан танишиш, пойтахтнинг марказий кўчалари ва боғларида сайр қилиб, дам олиш мумкин.

Самарқанд — Ўзбекистоннинг қадимги шаҳарларидан бири бўлиб, археологик маълумотларга кўра, эр.ав. йиллардан маълум. Шаҳар икки минг йилдан ортиқ вақт давомида Хитой ва Европа ўртасидаги Буюк Ипак йўлининг энг муҳим савдо марказларидан бири, шу билан бирга, ўрта асрлар Шарқининг асосий фан ва таълим маркази бўлиб келган. Самарқандда Амир Темури сулоласи даврида аксар меъморий ёдгорликлар барпо этилди. Шаҳарда Регистон майдони ўзига хос меъморий ва маданий аҳамият касб этади. Ҳар бири такрорланмас безакларга эга бўлган ва тарихий ансамблни ҳосил қилган учта мадрасадан иборат бу майдон шаҳарнинг асосий диққатга сазовор жойларидан бири ҳисобланади.

Самарқанд вилоятида, шунингдек, туризмнинг алоҳида турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Тарихий-маданий, эко ва агротуризм, гастрономик, экстремал ва бошқа турлар шулар жумласидан. Хусусан, зиёрат (диний) туризми ўзгача ўрин эгаллайди. Шаҳардаги Шоҳи-Зинда мажмуаси, Руҳобод макбараси, Ҳазрати Хизр, Хўжа Ахрор Валий, Хўжа Абду Дарун, Хўжа Абди

Берун, Шайх Худойдод Валий масжидлари, Хожа Дониёр макбараси, Чорчинор, ҳазрати Довуд, Махдуми Аъзам зиёртгоҳлари зиёрат туризмнинг энг ноёб объектларидир. Самарқанднинг Имом ал-Бухорий ва Шохи-Зинда ёдгорлик мажмуалари зиёратчилар энг кўп ташриф буюрувчи қадамжолар ҳисобланади. Ҳар йили ушбу зиёратгоҳларга 1 млн 200 мингдан зиёд сайёҳ ташриф буюради.

Бухоро – кўп асрлик анъаналар ва қадимги урф-одатларни ўзида сақлаб келган шаҳар. Ривоятлардан бирида айтилишича, барча мусулмон шаҳарлари муборак нурга муносибдир, бироқ Бухоро устидаги нур осмонларга кўтарилди. Ислон уламоларининг энг кўп макбаралари, қабрлари ва масжидлар айнан шу ерда. Шаҳар том маънода Ислон дини устунларидан ҳисобланади. Бухоро нодир диққатга сазовор жойлар мужассамлашган шаҳардир. Бу ерда қад кўтарган қадимги ёдгорликлар ва қурилмалар бутун дунёга машҳур.

Хива – бир неча минг йиллик қадимий шаҳардир. Афсоналарга кўра, шаҳар Нух алайҳиссаломнинг ўғли Сом буйруғи асосида «Ҳайвак» қудуғи атрофида қад ростлаган. Хива замонавий Ўзбекистон ҳудудида ўрта асрларга оид ички шаҳар Ичон қалъа деярли бус-бутун сақланган ягона шаҳардир. Мустаҳкам шаҳар деворлари билан қуршаб олинган қадимги истехком ўрта асрлар шарқ шаҳрини намоён этиб, унинг ҳар бир қурилиши – меъморий ёдгорлик ва алоҳида бир диққатга сазовор маскандир. Ушбу очик осмон остидаги тарихий шаҳар-музейда ҳамон одамлар истиқомат қилиб, ишлашда давом этишмоқда. Бу ерда барчаси – ошхона, одамлар, сўзлашув ва ҳатто меъморчилик иншоотлари ҳам ўзгачадир. Уларнинг деярли барчаси илк кўринишда сақланиб қолган. Кўчаларга тошлар ётқизилган. Гўё шохмот доналари каби ҳар томонда миноралар, мадараса ва масжидлар гумбазлари кўзга ташланади. Ҳатто замонавий бинолар ҳам қадимий меъморчилик услубида тикланган. 1990 йили шаҳар ЮНЕСКО бутун жаҳон мероси рўйхатида киритилган.

Самарқанд шаҳридан 80 км узоқликда жойлашган Шаҳрисабз форсчадан таржима қилинганда «Яшил шаҳар» маъносини англатиб, Ўзбекистоннинг энг қадимги шаҳарларидан бири ҳисобланади. Шаҳрисабз Амир Темурнинг она ватани сифатида маълум ва машҳурдир. Шаҳрисабзнинг тарихий маркази ЮНЕСКО бутун жаҳон мероси рўйхатида киритилган.

Бу ерда Оксарой вайроналари, Дор-ут Тиловат ёдгорлик мажмуаси, Кўкгумбаз масжиди, Дор-ус Саодат, Шамсиддин Кулол, Гумбази-Саййидон макбаралари бор [10].

Фарғона водийсининг жануби-ғарбида жойлашган Қўқон шаҳри Ўзбекистоннинг улкан маданий ва тарихий аҳамиятга эга таниқли шаҳарларидан бири ҳисобланади. Унинг атрофида 35 та мадраса ва 300 га яқин масжид мавжуд эди. Бугунги кунда Қўқон икки қисмдан: эски ва янги шаҳардан иборат. Эски шаҳардаги Норбўтабий мадрасаси, Жомеъ масжиди ва минораси, Даҳмаи Шохон макбараси, Камол Қози мадрасаси, Модарихон аёллар қабристони, Худоёрхон саройи ўзининг жозибаси ва такрорланмаслиги билан кишини лол қолдиради.

Ислоннинг энг қадимий ёдгорликларидан бири бўлган Халифа Усмоннинг Қуръони Карими Тошкентда Хаст-Имом диний марказида сақланиб келинмоқда.

Шаҳи Зиндадаги машҳур макбара Самарқандда жойлашган бўлиб, у ерда Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг амакиси – Қусам ибн Аббос дафн этилган.

Мир Араб мадрасаси – Пои-Калон меъморий ансамблининг ажралмас қисми бўлиб, мадрасанинг ўзи, Калон масжиди ва Калон минорасини ўз ичига олади.

Қадимий обидалар, муқаддас зиёратгоҳлар, тарихий ва маданий ёдгорликлар билан бир қаторда, бетакрор маданияти ва анъаналари, хушманзара табиати ҳамда файзли гўшалари билан сайёҳларни ўзига ром этиб келаётган Ўзбекистонда ушбу йўналишда амалга оширилаётган сайёҳ-ҳаракатлар зиёрат туризми индустрияси ҳамда инфратузилмасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунга Жаҳон саёҳат ва туризм кенгаши (WTTC) томонидан “Саёҳат ва сайёҳлик саноатининг иқтисодий натижалари” бўйича ўтказилган тадқиқотларда Ўзбекистон сайёҳлик соҳаси жадал тараққий топаётган беш давлатнинг бири сифатида қайд этилгани мисолида яққол кўриш мумкин [10].

Бухоро шаҳрида ўтказилган Халқаро “Зиёрат туризми” форуми белгиланган чора-тадбирларнинг узвий давоми бўлди. Форумда ислон дунёсидаги нуфузли халқаро ташкилотлар, сайёҳлик корхоналари, зиёрат туризми бўйича туристик компаниялар мутасаддилари, дин уламолари, шунингдек, жаҳоннинг 20 дан зиёд мамлакати вакиллари иштирок этишди.

Бухоро – ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар замини. Абу Ҳафс Кабир, Имом Бухорий, Хожа Абдуҳолик Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа алломалар номи бутун мусулмон оламига машҳур. Жумладан, етти пир мангу қўним топган манзиллар обод этилиб, зиёратгоҳга айлантирилган. Форум иштирокчилари ана шундай пирлар силсиласида алоҳида мавқега эга Баҳоуддин Нақшбанд номи билан боғлиқ Қасри Орифон қишлоғида жойлашган тарихий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрдилар. Форум иштирокчилари буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг устози Абу Ҳафс Кабир макбарасини зиёрат қилдилар. Бу ерда алломанинг ислом маданиятига қўшган улкан ҳиссаси ёдга олинди.

Умумий овқатланиш шохобчалари ва ресторанларда “Ҳалол” стандартини амалиётга жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Мисол учун, ISO:22000 ва “Ҳалол” озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича умумий қўлланма“ Ўз ДСт 3286:2018 давлат стандарти расман жорий этилди [4].

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат Қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва форумнинг бошқа қатнашчилари иштирокида “Ўзбекистонни зиёрат туризми марказларидан бири сифатида эътироф этиш тўғрисида”ги Бухоро декларацияси имзоланди [9].

Зиёрат туризми бўйича Бухоро Декларацияси биринчи халқаро зиёрат туризми форуми доирасида 2019 йил 22 февралда қабул қилинди [6]. Унда қуйидагилар белгиланди.

1. Хавфсизлик, туристларни ҳимоя қилиш ва уларнинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш туризмни ривожлантиришнинг зарурий шартларидандир. Саёҳатни енгиллаштириш, туристларнинг сафарлари ва турар-жойлари, уларнинг хавфсизлиги ва ҳимоясини таъминлаш бўйича муҳим қадамлар қўйилмоқда. Халқаро рейтинг агентликлари томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, Ўзбекистон хавфсизлик ва бахтиёрлик рейтингида дунёдаги энг юқори кўрсаткичга эга беш давлат қаторига киради.

2. Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисмини мусулмонлар ташкил этувчи, турли эътиқод ва маданиятлар вакиллари тинчлик ва ўзаро ҳурмат муҳитида яшайдиган дунёвий давлатдир. Ўзбекистон кўп асрлик бағрикенглик ва конфессиялараро тотувлик анъаналари билан фохрлана олади. Кўпчилик этник ва диний

хилма-хилликни Буюк Ипак йўлининг маданият ва цивилизациялар ўчоғи сифатидаги мероси деб тан олади. Ўзбекистон 2018 йил 12 декабрда БМТнинг Бош Ассамблеясида “Маънавий ва диний бағрикенглик” тўғрисида махсус қарор қабул қилиш ташаббуси билан чиқди.

3. Зиёрат туризмнинг марказларидан бири бўлган Ўзбекистон маънавий исломнинг ҳақиқий қадриятларини тарғиб қилиш ҳамда исломнинг қонуний, илмий, услубий ва фалсафий асосларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди.

4. Ўзбекистоннинг юзлаб маданий ва тарихий обидалари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатида олинган бўлиб, ёш авлод қалбида Ўзбекистоннинг бебаҳо тарихий мероси, миллийлиги ва юксак маънавиятига ҳурмат туйғусини кучайтиришга ёрдам беради.

5. Милодий 644-646 йилларда ёзилган Халифа Усмон Куръони (Мусъҳаф) китоби мусулмон маданиятининг кўп асрлик маданий ва тарихий меросининг муҳим ва ноёб манбаси сифатида эътироф этилади. Тошкент шаҳридаги “Мўйи-Муборак” мадрасасининг махсус хонасида сақланаётган Халифа Усмон Мусъҳафи бутун дунёдан келган олимлар, дин арбоблари, зиёратчилар ва туристларни ўзига тортди келмоқда.

6. Жаҳон цивилизацияси ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг бой тарихи, ноёб илмий ва маънавий мероси ҳамда мамлакатимизнинг жаҳонга машҳур тарихий шаҳарларига бутун дунёдан туристларни ислом ва бошқа цивилизация марказларига зиёрат қилишга чорлайди.

7. Имом Ал-Бухорий, Имом Ат-Термизий, Абу Мансур Ал-Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбандий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Али Ибн Сино, Муҳаммад Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Ал-Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Мирзо Улуғбек, Шамсуддин Ас-Самарқандий каби олим ва мутафаккирларнинг тарихий мероси ва бошқа кўплаб олимлар ва Ўзбекистоннинг муқаддас сўфийлари бутун инсониятнинг мулки ҳисобланади ва миллионлаб туристларни Ўзбекистонга ташриф буюришга ундайди.

8. Ўзбекистон зиёрат туризмни ривожлантириш орқали маданиятлараро ва цивилизациялараро мулоқотни қўллаб-қувватлаш анъанасини давом эттирмоқда. Турли миллат ва динларнинг кўп асрлар давомида тинч-тотувликда яшаб келаётганлиги туфайли ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик анъаналари қонқонимизга сингиб кетган.

Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий меросини туризм орқали ўрганиш маданиятлараро алоқалар, тинчлик ва миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Зиёрат туризми – туризм соҳасининг жадал ривожланиб бораётган ва ХХІ асрнинг етакчи трендига айланаётган йўналишларидан бири бўлиб, халқлар орасида тинчлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Зиёрат туризмининг аҳоли турмуш даражасини юксалтириш ва жамиятнинг ўзгаришига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Зиёрат туризмининг барқарор ривожланиши бутун дунё бўйлаб маданий ва инсонпарварлик алоқаларини ривожлантириш бўйича улкан салоҳиятга эга. Ахборот технологияларининг зиёрат туризмга, айниқса реклама, маркетинг, туризм маҳсулотларини дифференциация қилиш ва ихтисослаштириш соҳасига ўзгаришлар олиб киришига, шунингдек, зиёрат туризми шахсларнинг индивидуал ўсиши ҳамда асосий ижтимоий меъёрлар ва миллий қадриятларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда, шунингдек Ўзбекистонда иқтисодиётнинг туризм соҳасига эътибор тобора кучайиб бормоқда. Айрим мамлакатларда туризм соҳаси жуда ҳам барқарор ривожланиб бормоқда ва уларнинг ҳар йиллик ўсиш суръати 8-10% гача боради (пандемия даври бундан мустасно). Бу эса туризм соҳасининг қанчалик даражада мамлакатлар иқтисодиёти тизимида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистонда ҳар йили туристлар оқимининг 15% га кўпайиши кутилмоқда, бу Бутунжаҳон туристик ташкилотининг тахминларига нисбатан икки маротаба кўпдир [5]. Туризм миллий иқтисодиётнинг истикболли соҳаларидан бирига айланмоқда, мамлакатнинг ички ялпи маҳсулотидаги улуши ошмоқда. Ўзбекистон катта туристик имкониятларга эга. Ўзбекистон бўйича туристик маршрутлар қадимги Ипак йўли шаҳарлари бўйича саёҳатни ва кўплари ЮНЕСКО томонидан қўриқланадиган 4000 мингдан ортиқ меъморий ёдгорликларни зиёрат қилишни ўз ичига олади. Тарихий, меъморий ва археологик ёдгорликларнинг сони 7587 тани ташкил этади. Аммо ҳозирги кунга келиб уларнинг 500 тасигина туристик маршрутларга киритилган. Халқаро маршрутларга киритилган тарихий, зиёрат ёдгорлик объектлари хорижий туристларда катта кизиқиш уйғотмоқда. Ёдгорликларнинг 75%

дан ортиғи республиканинг марказий туристик шаҳарларида жойлашган. Бундай ёдгорликлар Тошкент шаҳрида 114 та, Самарқандда 221 та, Хивада 310 тани ташкил этади [8]. Энг кўп туристлар оқими Германия, Япония, Франция, Италия, Туркия, Россия каби мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда [11].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси ислом оламида ўз тарихи, маданияти, муқаддас қадамжолари билан юқори мавқега эга. Шунингдек, мусулмон туризм бозори йилдан йилга кенгайиб бормоқда ва умумий туризмнинг муҳим сегментига айланмоқда. Шунинг учун зиёрат туризми инфратузилмасини ривожлантириш, потенциал зиёратчилар ҳақида маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда зиёратчилар учун қулай ва замонавий шароитларни яратиш лозим.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. URL: <http://lex.uz/doc -3107036>
2. “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ–5611, 05.01.2019 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил, 24 январь. URL: <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
4. Ўзстандарт агентлигининг 04.01.2018 йилдаги 05-915-сонли буйруғи. URL: <http://uza.uz/uz/tourism/ziyorat-turizmi-va-sayyohlik-salohiyatining-yangi-istiqbolla-22-02-2019>
5. Камилова Ф.К. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш шароитида туризм хизматлари маркетингини такомиллаштириш. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, сентябрь, 2011 йил.
6. Ziyorat turizmi bo'yicha Buxoro Deklaratsiyasi. URL: <https://www.trt.net.tr/uzbek/turk-dunyosi/2019/03/08/ziyorat-turizmi-bo-yicha-buxoro-deklaratsiyasi-1159868>
7. Global Muslim Travel Index 2019. Master Card & Crescentrating 2019. URL: <https://www.crescentrating.com/reports/global-muslim-travel-index-2019.html>
8. <http://elib.buxdu.uz/index.php/pages/referatlar-mustaqil-ish-kurs-ishi/item/9817-2021-01-28-08-15-20>
9. <http://uza.uz/uz/tourism/ziyorat-turizmi-va-sayyohlik-salohiyatining-yangi-istiqbolla-22-02-2019>
10. <http://uzbekistan-geneva.ch/ziyorat-turizmi-jadal-rivojlanadi.html>
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. URL: <https://stat.uz/uploads/docs/Xizmatlar-uz-12-2017.pdf>